

Пудрат шартномаси № 6

Урганч туман

«19» июл 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш курувчи буюртмачи Б.Нурметов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Дўрман грант қурилиш” хусусий корхонаси Номидан низом асосида иш курувчи Ф.Эгамберганов иккинчи томондан Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,232 КМ) ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:
ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;
қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.
Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;
Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;
Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича обьектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,232 КМ) смета лойихада кузда тутилган обьектни қуриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиганган, танлов савдоси(тендер) натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни (ҚҚС) ни уз ичига олган холда жорий нархларда 793000001 (Етти юз тўқсон уч миллион бир) сўмни ташкил қиласи.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно :

қурилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)холатлари сабаб булганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 1 - иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш, бунда объект нархининг камидаги 20% микдоридаги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюрмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф-мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш; Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI.Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома: миллий валюта "Сум"да узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада "сумда" узаро хисоб-китоб килинганда – шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **15** кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII.Туловлар ва хисоб-китоблар

14.Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс беради ташкилотнинг молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри пудратчининг хисоб ракамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу **237 900 000 (Икки юз ўттиз етти миллион тўқиз юз минг)** сўмни ташкил этади.

15.Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

16.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати кабул килингандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17.Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда,Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда,шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир.Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

18.Буртмачи курилиш майдонида уз вакилини- техник аудиторни тайинлайди,у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширадишунийгдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

19.Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

20.Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хақда хабардор килинмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса,у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга,сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa,у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

21.Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа,у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир,ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса,Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулади.

22.Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини,шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сириади ва озода саклайди,курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқарип ташлайди

X.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)холатлари

23.Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса,томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган,шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишида узайтирилади.

24.Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама килидилар.

25.Агар томонлар икки ой ичидаги келишига олмасалар, у холда томонларнинг хар бирин шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI.Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

26.Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

27.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида кабул килиб олинади.

28.Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

29.Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII.Кафолатлар

30.Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиши материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лоиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

объектлан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

31.Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

XIII.Шартномани бекор килиш

32.Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюрмачига бодлик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

33.Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига бодлик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

34.Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади,Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

35.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни,шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37.Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди,конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди:

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси конунида,бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

39.Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,04 фоизи микдорида пеня тулайди,бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

40.Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

41.Пудратчи обьектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,05 фоизи микдорида пеня тулайди,бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,05 фоизи микдорида пеня тулайди,бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

42.Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда,мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида,шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

43.Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV.Низоларни хал этиш тартиби

44.Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

XVI. Алохидашартлар

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.
46. Мазкур шартномага барча узгартериш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача кадар амал килади.
47. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартеришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.
49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган З нусхада тузилди.

XVII КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

- 7.1. Ушбу шартноманинг хар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив 15 хужжатларида Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши хақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал килишини кафолатлади.
- 7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунигдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат қилиб, Таъминотчи корхонанинг хамда Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

“Дўрман грант қурилиш” х/к	Урганч тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Урганч тумани Мергановул махалласи Ватапарвар қўчаси 52-ўй	Манзили: Урганч тумани
Тел: 97-528-32-32 x/p: 20208000505042184001	Тел/факс: +998-97-510-55-88 ш/ҳ: 100022860332177045204110005
ИНН: 306186040	ИНН: 206947891
МФО: 00570	Молия вазирлиги Газначилиги
Микрокредит банк Каровул филиали	Фазна х/в: 23402000300100001010
	Банкнинг номи: Тошкент шахар Марказий БанкХКМ МФО: 00014ИНН: 201122919



Ф.Э.Гамберганов
(Имзо)

Хукукшунос
(Имзо)



Б.Нурметов
(Имзо)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: shartnoma

2. Loyihaning nomi: “Durman grant qurilish”xsusiy korxonasi va Urganch tuman Obodonashirish boshqarmasi o‘rtasida, Urganch tumani Arablar maxallasi O‘zbekiston shox ko‘chasi ichki xo‘jalik yo‘lini joriy tamirlash (1,232 KM) ishlariga doir mazkur pudrat shartnomasi (Shartnoma №6, miqdori 793000001)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Urganch tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan tizimga kiritilgan xujjat raqami FM31807555 tizimga kiritilgan xujjat sanasi 2022 yil 19 iyul.

O‘zbekiston Respublikasi 1998 yil 29 avgustda qabul qilingan «Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risidagi»gi Qonunning 10-moddasi talablariga javob beradi. Loyihada o‘zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma’suliyatni, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman yuridik xizmat ko‘rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**

19.07.2022 yil



E.S.Yusupova

"Утверждаю"
 Зам хокима район Ургенча
 А.Хужаев
 " " 2022 г.

ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,232км)		
2. Отрасли			
3. Инвестор			
4. Заказчик	Урганч туман "Ободонлаштириш бошкармаси"		
5. Разработчики :			
5.1 ТЭО	"Хоразм йўл кўприк қурилиш" МЧЖ		
5.2 ПСД и/ или ТД			
5.3. Экспертизы			
6. Генеральный подрядчик	«Дўрман грант қурилиш» ХК		
7. Источник финансирования	Местный бюджет		
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г		
9. Основные показатели стройки :	Всего	2022 г	
Мощность (в соответс. Единицах измерения)	объект	1,232км	
Основные фонды	806 500,001	806 500,001	
Капитальные вложения	806 500,001	806 500,001	
Строительно - монтажные работы	793 000,001	793 000,001	
Оборудование и инвентарь			
Прочие работы и услуги	13 500,000	13 500,000	
Содержание службы заказчика			
Прогноз на 2021 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком		В договорных ценах (тыс.сум)	
Мощность (в соответс. Единицах измерения)	объект		
Основные фонды	806 500,001	806 500,001	
Капитальные вложения	806 500,001	806 500,001	
Строительно - монтажные работы	793 000,001	793 000,001	
Оборудование и инвентарь		0,000	
Прочие работы и услуги	13 500,000	13 500,000	
Содержание службы заказчика		0,0	

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 год (в текущих ценах, тыс.сум)

	Всего на год	В том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект		объект		
Основные фонды	806 500,001		806 500,001		
Капитальные вложения	806 500,001		806 500,001		
Строительно - монтажные работы	793 000,001		793 000,001		
Оборудование и инвентарь	0,000		0,000		
Прочие работы и услуги	13 500,000		13 500,000		
Содержание службы заказчика	0		0,000		



Заказчик

Подрядчик



Б. Нурметов

Ф. Эгамберганов

Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий тальмидаш (1,232км) объекти бўйича

2022 йил ойлар давомида ишларни бажариши

Ж А Д В А Л И

(минг.сўмла)

2022 йил бўйича курилиш киймати										
T/p	Ишлар тури ва номи молиялаштирилган маблаг	Жами			Жами			Жами		
		1 - чорак	2 - чорак	3 - чорак	4 - чорак	январ	феврал	Март	апрел	Май
1	Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий тальмидаш (1,232км)	793 000,001				793 000,001				793 000,001
	ЖАМИ	793 000,001				793 000,001				793 000,001

Буюрмачи :



Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий тъамирлаш (1,232км) обьекти бўйича
2022 йил ойлари давомида молиялаштириши

Ж А Д В А Л И

(МИНГ.СЎМДА)

2022 йил бўйича курилиш кроймати

T/p	Ишлар тури ва номи	2022 йил бўйича курилиш кроймати											
		1 - чорак		2 - чорак		3 - чорак		4 - чорак					
Жами	молялаштирилган маблаг	январ	феврал	марг	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Урганч тумани Араблар махалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий тъамирлаш (1,232км)	793 000,001					237 900,000						
	ЖАМИ	793 000,0					555 100,001						
							793 000,001						



[Signature]

"ТАСДИКЛАЙМАР"
Урганч туман хокимияти

Ф.Шарипов
2022 ийл

Хоразм вилояти ёйинча 2022 йилда Манзилий дастурига кириллганд Урганч туман Ободонлаштириши бошкормасининг ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

"КЕЛИПШИЛДИ"

Урганч туман молия бўими

Мудири

Р.Собиров
2022 йил

нр	Инициаллар номи ва манзили	Таъмирига ишларининг налигат тик кудуклар сони	Гаштарилаш шартномаси тузилиши вактига и ва таъмириданин гулуммай киймати сўм)	Таъмиридашни нг 2022 йил 1 январ холатига жома капитал куйилмадар сўм)	2022 йил капитал куйилмалар хажни (минг сўм)		Ишга туширивсан итган асосни воситатар (минг сўм)	2023 йил 1 январ холатига жома капитал куйилмадар сўм)	Лойиха вакти, таннов баёнга тартиб кодлик киймати	Таннов саъдлар ўтказилган вакти, таннов наптикаларга сликланган баёнга тартиб рекамни	Пудратчи ташқилот номи						
					Шу жумладан												
					Буормачининг характеристлари	Шу жумладан											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	1	Урганч тумани Янги Обод махалласи Таъфоқур-4 йўлак кўчаси ичке хўжалик йўлини жорий таъмириш (0,448км)	0,448	2022-22	298500,000	298500,000	298500,000	290000,000	8500,000	8500,000	0,448	№42125 16.05.2022 й	№98071 10.06.2022 й	"Дўрман транг курилиш" х/к			
2	2	Урганч тумани Янги йўлабоғ махалласи тичин остоюна 4 йўлак кўчаси ичке хўжалик йўлини жорий таъмириш (0,425км)	0,425	2022-22	293500,000	293500,000	293500,000	285000,000	8500,000	8500,000	0,425	№42123 16.05.2022 й	№114199 04.07.2022 й	"Дўрман транг курилиш" х/к			
3	3	Урганч тумани Бешайвон махалласи Замоҳидарий кўчаси ичке хўжалик йўлини жорий таъмириш (0,747км)	0,747	2022-22	435300,001	435300,001	435300,001	422000,001	13300,000	13300,000	0,747	№418191 23.06.2022 й	№112488 04.07.2022 й	"Дўрман транг курилиш" х/к			
4	4	Урганч тумани Араблар махалласи ўзбекистон шоҳ кўчаси ичке хўжалик йўлини жорий таъмириш (1,232км)	1,232	2022-22	806500,001	806500,001	806500,001	793000,001	13500,000	13500,000	1,232	№418190 23.06.2022 й	№118468 14.07.2022 й	"Дўрман транг курилиш" х/к			
		Жами:			1833800,002	1833800,002	1833800,002	1790000,002	43800,000	43800,000	2,852						
					43800,000	43800,000											

Урганч туман молия бўими
ўринбосари

А.Хаджаев



Б.Нурметов
бошкормаси бошлини

